# I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 24978,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 0,6 фоизга ўсди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ЯҲМ 7571,1 минг сўмни ташкил қилди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 98,8 % ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Қашқадарё вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,1 % ни ташкил этди.

**2019-2020 йилларнинг январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**

| | *млрд. сўм* | | *2019 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| | *2019 йил январь-сентябрь* | *2020 йил январь-сентябрь* | |
| **I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами** | **22443,0** | **24978,5** | **100,6** |
| *шу жумладан*: | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 20525,9 | 24081,8 | 100,7 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 1917,1 | 896,7 | 100,4 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **20525,9** | **24081,8** | **100,7** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 8712,4 | 10541,2 | 102,7 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 5315,2 | 6113,6 | 98,5 |
| Саноат | 3904,1 | 4484,0 | 97,6 |
| Қурилиш | 1411,1 | 1629,6 | 101,1 |
| Хизматлар | 6498,3 | 7427,0 | 99,7 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1402,9 | 1536,7 | 96,0 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 1083,6 | 1211,6 | 103,3 |
| Бошқа хизматлар | 4011,8 | 4678,7 | 100,0 |

*ЯҲМ-иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган Миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичларидан биридир.*

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 102,7 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 43,8 фоиз), қурилиш – 101,1 фоиз (6,8 фоиз) ни ташкил этди. Ўсиш суръати саноат тармоғида – 97,6 фоиз (ЯҲМ таркибида улуши 18,6 фоиз) ва хизматлар соҳасида – 99,7 фоиз (30,8 фоиз) ни ташкил этди.

**ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**
*(фоизда)*




***Иқтисодий фаолият турлари***

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби**

*(жамига нисбатан фоизда)*






2020 йилнинг январь-сентябрида ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 30,8 фоизни ташкил қилди, бу эса 2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 0,9 пунктга камдир (31,7 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,3 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 5,0 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 6,4 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2019 йил январь-сентябридаги 19,6 фоиздан 2020 йил январь-сентябрида 19,4 фоизга ўзгарди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 69,0 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди.

**Ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*январь-сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)*

**2019 йил январь-сентябрь**




**2020 йил январь-сентябрь**




**Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ динамикаси**

| | *минг сўм* | *Ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|
| 2019 йил январь-сентябрь | 6932,9 | 99,4 |
| 2020 йил январь-сентябрь | 7571,1 | 98,8 |

**2020 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси,**

**% да**




Қашқадарё вилояти иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг камайиши 97,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 18,6 %), хизматлар 99,7 % (30,8 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 96,0 % (6,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 103,3 % (5,0 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 100,0 % (19,4 %) ни ташкил этди.

